



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 3 октябрь № 40 (268) ●

Сотувда нархи эркин

## МАТБУОТ — МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ижтимоий ҳаётимизда кечаётган оламшумул ўзгаришлар одамлар тафаккурида ҳам давом этмоқда. Ижтимоий комиллик эса бохабарлик, воқифлик ва дахлдорлик кўлами билан белгиланади. Бохабар одам бошқаларга қараганда кўпроқ ютуққа эришади, ҳаётнинг олдинги марраларида юради. Бугунги матбуотимиз ана шу вазифани бажариш учун сидқидилдан ҳаракат қилмоқда. Почта ходимларининг олдидан турган энг маъсулиятли вазифа газета ва журналларни муштарийлар кўлига тезроқ етиб боришини таъминлашдир.

Мамлакатимизда 1998 йил газета ва журналлари учун обуна мавсуми бошланди. Кўп-кўп меҳнаткашлар, корхона, ташкилот, муассасалар, фирмалар, кўшма корхоналар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, мактаблар, талаба ва ўқитувчилар, ишбилармонлар ўз севган нашрларига обуна бўла бошладилар. Бу муҳим тadbирни уюшқоқлик билан ўтказиш учун анчагина тайёргарлик ишлари олиб борилди. Тахририятлар, нашриётлар, почта корхоналари билан ҳамкорликда обуна нархини илҳож борица камайтириб, обуначиларга энгиллик яратишга ҳаракат қилинди. Кўпгина нашрларга имтиёзли нархлар белгиланди.

Обуна каталогига республикада чиқадиган 76 та (жумладан 5 таси янги) газета ва 80 та журнал киритилган. Хамдўстлик мамлакатлари нашрлари иккинчи каталогга киритилган ва бу давлатлар билан ўзаро пул айрибошлаш масаласи ҳал бўлиши билан жойларга юборилди. Обуначиларга ва почта ходимларига қулайлик яратиш мақсадидан нашр кўрсаткичлари уч хоналик қилиб белгиланди.

Хозирги кунда республика-мизда 3000 дан ортиқ алоқа бўлими аҳолига обуна бўйича хизмат кўрсатади. Бундан ташқари бу йил йирик корхона ва ташкилотларда, завод ва фабрикаларда, ўқув юртларида, жамоа ҳужжалиқларида мавсумий обуна қабул қилиш масканлари ташкил қилинмоқда. Обунани чинакам оммавийлаштириш учун жамоатчи тарқатувчилар ва почтачилар хизматидан унумли фойдаланиш мўлжалланди. Почтачилар ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги корхоналар, маҳаллалар, оилаларнинг қайси газета ва журналларга эҳтиёжи борлигини яхши билишади. Уларга ўша ерининг ўзида обуна бўлишларига имкон яратиб берилса, ҳам аҳоли учун, ҳам почта корхоналари учун манфаатли бўлади. Албатта, қабул қилинган обуна натижалари бўйича улар-етарли рағ-

батлантирилиб борилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Обунадан ташқари халқимизнинг газета ва журналларга бўлган талабини тўлароқ қондириш учун алоқа бўлимларида чакана савдони янада жадалроқ олиб боришни режалаштирганмиз. Бунинг учун газеталарнинг илҳож борица эртaroқ етиб боришини таъминлаш, алоқа бўлимларини эстетик дид билан жиҳозлаб, қулайлик яратиш, янги алоқа бўлимларини аҳоли зич яшайдиган, гавжум жойларда очиб каби омилларга эътибор бериш лозим.

Обуна жараёнини жадаллаштириш мақсадидан бозор иқтисодининг ҳаракатлантивручи кучларидан бири — реклама кенг эътибор беришимиз зарур. Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиб, радио, телевидение, газеталарда мақола-лар, мурожаатномалар, эълонлар бериб борилишини таъминлаш, обунанинг бориши ҳақида ахборот, кўрсатувлар ташкил қилиш обуна натижаларига салмоқли таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда кўп-кўп корхона ва ташкилот раҳбарлари рағбатлантиришнинг бир омили сифатида ишчи ва хизматчиларни газета ва журналларга корхона ҳисобидан обуна қилмоқдалар. Уйлайманки, бу ҳар қандай мукофотдан аълороқ, чунки обуначи йил давомида нашрнинг ҳар бир нусхасини кўлига олганда ўз корхонасига, раҳбарига исбатан кўнглида миннатдорчилик ҳиссини туйди.

Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бизга рақобатчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Бу эса почта ходимларининг маъсулиятини ошириш ва хизмат сифатини янада такомиллаштиришини тақозо этади.

**Абдусаттор ОРТИҚОВ,**  
**«Ўзбекистон почтаси»**  
**Давлат акционерлик**  
**компанияси Бош**  
**директори ўринбосари**



Бухоро вилояти Гиждувон тумани электралоқа боғламасининг телеграфчиси Зебо УМУРОВА 22 йилдан буён бир касбда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

● Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси маърифат ахлиси» Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг табриги чоп этилди.  
● Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўра-

тимизда уяли алоқа соҳасида фаолият кўрсатади.

● Белоруссияда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига кўйилди.

● Россияда шу йил 10 октябрдан бошлаб жисмоний шахслар билан хорижий ва-

жак қароргоҳи жойлашадиган кўча мамлакатнинг энг гавжум кўчаларидан бири ҳисобланади. Бу кўчадан ҳар куни мингдан кўпроқ машина ўтиб қайтади.

● Америка ва Буюк Британия олимлари аҳоли саломатлигини сақлаш тadbирлари доирасида

## ОЛАМДА НИМА ГАП? - Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

бековни Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазири вазифасидан озод этиш, шунингдек «Р. У. Аҳмедовни Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазири этиб тайинлаш» ҳамда «Х. Қ. Турсуновни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тайинлаш» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримовнинг Фармонлари эълон қилинди.  
● Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «ДЭУ Юнител» компаниясининг тақдимот маросими бўлди. У «Жи-Эс-Эм» андозаси бўйича юр-

лютада ҳисоб-китоб қилиш маън этилди.

● Саудия Арабистонилик 24 ёшли келинчақ бир йўла 7 нафар фарзанд — 4 ўғил ва 3 қиз кўрди. Улар муллатидан бироз олдин — 6,5 ойликда туғилган, вазнлари 650 граммдан 800 граммгача бўлганлар қарамасдан шифокорлар гўдакларнинг ҳаммаси ўсиб улғайишига умид билдирмоқдалар.

● Яқин орада Германиянинг пойтахтини Бонндан Берлинга кўчириш кутилмоқда. Ҳукуматнинг Берлинга кўчирилиши назарда тутилмаган бир қанча мураккабликлари келтириб чиқаради. Германия канцлерининг бўла-

ўғил болаларни суннат қилишни ҳам мажбурий тadbирлар қаторига киритишни талаб қилмоқдалар. Олимларнинг таъкидлашича, суннат СПИД ҳамда айрим турдаги рақ касалликларни камайишига сабаб бўлади. Ҳар йили туғилаётган 350 мингдан ортиқ ўғил болаларни суннат қилиш давлатга ўн миллион фунт стерлингга тушар экан.

● Исроил раҳбарияти фаластинликлар билан тинчлик музокараларини қайта бошлашга рози бўлди. Музокаранинг қаерда ўтиши ва муддати ҳозирча номаълум.

● Обуна — 98

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг заҳматкаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

Яқка тартибдаги обуначилар учун:  
1 ойга 43, 6 ойга 258, 12 ойга 516 сўм.  
Нашр кўрсаткичи: 227  
Ташкилот ва корхоналар учун:  
1 ойга 82, 6 ойга 492, 12 ойга 984 сўм.  
Нашр кўрсаткичи: 228

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акционерлик компанияси 1998 йил учун республика газета ва журналларига обуна бошланганини маълум қилади.

Сиз барча алоқа бўлимларида, обуна қабул қилиш масканларида, жамоатчи матбуот тарқатувчилар ва почтачилар ердамида ўзингиз истаган нашрларга обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна бўйича керакли маълумотлар қуйидаги телефонлар орқали берилади: 133-60-78, 133-67-98, 64-85-88.

# ЭЪТИБОРСИЗЛИК КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида қабул қилинган Қонунга алоқа корхоналарида қандай амал қилинмоқда?**

**Ушбу саволга Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси раисининг ўринбосари, Меҳнатнинг бош техник назоратчиси Мухтор МИРЗААХМЕДОВ қуйидагича жавоб берди:**

— Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун жорий этилганига 5 йил бўлди. Лекин тармоғимиз корхона ва ташкилотларида қонун талаблари тўла бажарилмаяпти. Шу боис бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш масаласини кўриб чиқиб, муҳокама қилиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаш, уни амалга ошириш лозим.

Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш, иш жойларида меҳнат ш-

роитларини яхшилаш юзасидан назорат ўрнатиш нафақат корхона раҳбарлари, масъул ходимлар томонидан, балки касба уюшма кўмиталари ва касба уюшма фаоллари томонидан ҳам етарли даражада текширилмаётди.

Биз Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги айрим корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қилинаётган ишларни ўрганиб чиқдик.

«Сирдарётелеком» ҳиссасдорлик жамиятига қарашли 3 та, Сирдарё вилояти давлат почта алоқаси корхонасининг 6 та алоқа боғламаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандислар йўқ.

Шунингдек, Сайхунобод, Сирдарё, Бахт, Гулистон электралоқа боғламаларидаги алоқа механизациялашган жамламаларида хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича йуриқномалар тузилмаган. Гулистон шаҳридаги 3 ва 5-алоқа бўлимларида ходимларга шароит яратилмаган.

Тошкент вилояти, Олмалик почта алоқа боғламаси меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандисига алоқа бўлимларида меҳнатни меъёрлаш, статистик ҳисобларни олиб бориш, коммунал тўловларни назорат қилиш вазифалари юклатилган. Натижада иш жойларида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши ўз вақтида текширилмаяпти. Келес электралоқа боғламасида эса меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандисининг вазифаси бошқа мутахассисга топширилган.

Тошкент, Сирдарё вилоятларидаги электралоқа боғламаларида алоқа мантурларининг асбоб-ускуналари, диэлектрик ўймақ воситалари синовдан ўтказилмаган.

Ўқорида тилга олинган вилоятларнинг алоқа корхоналарида маъмурият билан касба уюшма кўмитаси ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш тadbирлари бўйича битимлар тузилмагани ажабланирлидир.

Бирлашган касба уюшма кўмиталари ва бошланғич касба уюшма кўмиталари томонидан меҳнат муҳофазасини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш борасида охириги бир ярим йил ичида иш олиб борилмаганлиги, бу масала касба уюшма кўмиталари мажлисларида кўриб чиқилмаганлиги, иш режаларида белгиланган тadbирлар эса амалда бажарилмаганлиги аниқланди.

Бундай камчиликлар бошқа вилоятлардаги алоқа корхоналарида ва касба уюшма кўмиталарида ҳам мавжуд.

Қонун талаблари бажарилмаганлиги натижасида 1997 йилнинг олти ойи ичида республика алоқа корхоналарида бахтсиз ҳодисалар туфайли 3 киши ҳалок бўлди. Андижон ва Тошкент вилоятларидаги бу фожиалар хавфсизлик техникаси бўйича йуриқномалар йўқлиги, ходимларга хавфсизлик қоидалари ўргатилмаганлиги ва хавфсиз иш ш-

роитлари яратилмаганлиги натижасидир. Текшириш натижасида марҳум ходимларнинг иш шароитлари, соғлиги, каму-кўстидан касба уюшма кўмиталари раислари хабардор эмаслиги маълум бўлди. Қўриқиб турибдики, эътиборсизлик фақатгина кулфат келтиради.

1997 йил 14 август кунги Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раёсат йиғилишида вилоятларимиздаги ушбу салбий оқибатлар муҳокамага қўйилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аазиз ҳамкасблар! Корхоналарда меҳнат қиллаётган фуқароларнинг барчаси албатта ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши шарт. Бунинг учун биз касба уюшмалари тўғрисидаги қонун ва Низомда белгиланган вазифаларни сикдикидан бажаришимиз лозим.

**Н. НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди**

## • Таклиф ЖАҲОНГАШТА МАРКАЛАРДА ЮРТИМИЗ ШАРАФЛАНСА...

Собиқ СССР даврида чиққан турли почта маркаларида хорижий, рус ва совет мусаввирларининг энг яхши асарлари акс этарди. Бундай маркалар ниҳоятда кўркам, рангдор бўлиши билан бирга, маълум асарни, асарда тасвирланган шахс, тарихий воқеа, ҳодиса, жой манзараси, уни чизган мусаввирнинг ўзини Ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакат ичида ҳам, ташқарисида ҳам кенг жамоатчиликка танитиш ишида муҳим роль ўйнаган эди. Ишқибозларда сақланаётган коллекциялардаги эски маркаларни кўздан кечирсангиз бунга албатта ишонч ҳосил қиласиз.

Маълум сабабларга қўра ўша даврда асосан россиялик мусаввирларнинг асарлари маркаларга туширилиб, дунё кезиш шарафига ноил бўлган, миллий республикалардаги мусаввирларга, уларнинг иқтидорига етарли эътибор берилмасди... Абдор Хидоятлов, Мукаррама Турғунбоева каби машҳур кишиларимиз портретлари, Урол Тансиқбоевнинг ҳар қандай одамни ҳам сەхрлаб қўядиган манзаралари бундай шарафга эришмасиди?

Менинг фикримча, У. Тансиқбоев, А. Абдуллаев, С. Абдуллаев, М. Набиев, Ч. Аҳмаров, Р. Аҳмедов, Р. Чориев ва бошқа ватандошларимизнинг машҳур асарлари И. И. Шишкин, И. И. Левитан, И. Е. Репин, А. И. Куинджи, И. К. Айвазовскийларнинг асарларидан қолишмайди. Бу суратлар ҳам маркаларга муҳрланган ҳолда жаҳон кезишга, мусаввирларимиз — Бехзод ва Музаҳҳибнинг муносиб ворислари эканликларини дунёга кўз-кўз қилишга лойиқдир. Шу сабабли Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази юртимизнинг таниқли мусаввирлари ишлаган асарлардан тузилган почта маркалари туркумларини вақти-вақти билан чиқариб турса яхши бўларди. Бу эса Ўзбекистонимизни, унинг табиатию номдор фарзандларини, мусаввирларини музейларини жаҳонга танитишда муҳим аҳамиятга эга бўлур эди.

**Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,  
хуққушнос,  
Тошкент шаҳри**

## • Алоқа матбуот кўзгусида КАРЛАР ҲАМ БЕМАЛОЛ СЎЗЛАШАДИ

Швеция почта ва телефон идорасининг хабар қилишича, ҳозир мамлакатда карлар учун махсус телефон аппаратлари ишланмоқда. У одатдаги телефон аппаратига ўхшаш бўлиб, унга клавиш панели, яъни пианинодаги каби бармоқ билан босиладиган тўғмали тахтача ва кичик экран ўрнатилган.

Узаро сўзлашув клавишлар ёрдамида амалга оширилиб, суҳбат телевизион экранда кўринаверади.

Ҳозир мамлакатда карлар учун яна бошқа хил телефон аппаратлари ишланмоқда. Бунда сўзлашув магнитофон тасмасига ёзилиб, кейин товуш сигналлари электрон аппарат ёрдамида автоматик равишда босма магннга тушади.

## ҲАРАКАТДА ГАП КЎП

Юракнинг соғломлиги тана доимо бирон меҳнат билан банд бўлишига боғлиқ экани тиббиётга қадимдан аён. Англия почта ходимлари ўртасида ўтказилган аjoyиб бир тadbиротда бу ҳақиқат яна бир бор тасдиқланди.

Идорада ишловчи ходимлар орасида турли хил касалликларга чалиниш ва юрак касалидан вафот этиш хат ташувчилардагига нисбатан анча кўп экан.

**А. АЛИЕВ тайёрлади**



«О. М.» хусусий қурилиш фирмасига қарашли Валерий ФУЛОМОВ бошчилигидаги қурилиш бригадаси аъзолари Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги биносида электр жиҳозларини янгилаш, паркет, кафель, гулгоғоз ва линолеум қоплаш, бўяш-пардозлаш ишларини тезкорлик билан олиб боришмоқда. Шу кунга қадар бир неча хоналар таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Жумладан, азамат қурувчилар сазъ-ҳаракатлари туфайли «Хабар» газетаси тахририятининг хоналари ҳам тўла таъмирланиб, файзли бўлиб қолди.

Суратда: прораб Роберт КАРИМОВ (ўртада), бригадир Валерий ФУЛОМОВ (чапдан биринчи), қурувчилар — Абдурахмон МИРЗАЕВ, Темура ФУЛОМОВ ва Владимир СИВУШКИНлар навбатдаги ишлар хусусида маслаҳатлашишмоқда.

**Сураткаш Солиҳ ЗОИР**

## ШАҲРИКЛАЙМИЗ!

**Қадри Эшназар  
МАТКАРИМОВИЧ!**  
Сизни муборак 60  
ёшингиз ва жамоа-  
миздаги ҳалол меҳ-  
натингизнинг 35  
йиллиги муносабати  
билан самимий  
табриклаймиз. Сизга  
сират-саломатлик,  
узоқ умр ва бахт-  
саодат тилаймиз.  
Хоразм вилояти,  
Хазорасп тумани  
электралоқа боғла-  
маси жамоаси

«Алоқинвест» ҳиссасдорлик жамияти бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошқарув аъзолари ва жамият таркибидagi муассаса ва бўлимларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Йиғилишни жамият раиси А. Т. То-

лан бир қаторда айрим муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Иқтисодий ислохотларни ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ ҳолда кундалик ҳўжалик фаолиятида вужудга келган муаммолар ечимида сусткашлик қилинмоқда.

## ҲИССАДОРЛАР ЙИҒИЛИШИ


ғайалиев бошқарди.

Мазкур йиғилишда А. Т. Тоғайалиев «Алоқинвест» ҳиссасдорлик жамиятининг қурилиш мажмуини бошқариш самардорлигини ошириш ҳақида маъруза қилди. Жамиятнинг ўтган 8 ой мобайнидаги молиявий ҳўжалик фаолиятида сезиларли ютуқлар (шартномалар бўйича бажарилган ишлар ҳажми 148 фойзга ошган ва ойлик маошлар кўпайган) би-

Кун тартибига қўйилган масалалар муҳокамасида жамият раисининг ўринбосари Б. Бурҳонов, А. Икромов, таркибий қисмларнинг раҳбарлари Ш. Носиров, Р. Қодиров, А. Хожимирзаев ва бошқалар қатнашдилар.

Қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**М. СМОЛЕНЦЕВ**



# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

## УЛКАН ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ахборот тизими соҳасини бошқаришни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш чоралари ҳақида»ги 1997 йил 23 июль Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тугатилиб, унинг негизда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил этилгани матбуотда хабар қилинган эди.

Давлатнинг «қаноти остида» бўлган мазкур корхоналар ва ташкилотлар мажмуаси «алоқа» деган биргина сўз билан аталар эди ва алоқа хизматидаги мураккаб иш жараёнлари почта, телеграф, телефон, радио, телевиденининг узаро муносабатларини ташкил этиш, иншоотлар куриши ҳамда улардан фойдаланиш, кенг хизмат турлари бўйича аҳолига ва халқ ҳўжалигига хизмат қўраётгани ҳам мазкур тушунча ўзида камраб олар эди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги шароитида алоқа ҳўжалиги ўз иш қобилияти ва эришилган хизмат қўраётган даражасини сақлабгина қолмай, балки янги куч билан ишлаб чиқариш даражасини жадал ўстириш, жаҳон андозаларига мос янги техника ва технологияларни ўзлаштиришга киришиш, телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва қайта таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Айни чоғда алоқа корхоналарида янги ҳўқуқ ва имкониятлар вужудга келди, тармоққа хорижий кредитлар, сармоялар тобора жадалроқ жалб этиладиган бўлди, кўпгина хорижий фирмалар ва компаниялар билан ҳамкорлик аниқлик ва мазмундорлик касб этди. Алоқа корхоналари ҳам мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар йўлидан борди. Ерданми ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасалари мулк шаклини тўла равишда ўзгартирдилар, электралоқа корхоналарида давлат тасарруфидан чиқариш ва хўсусийлаштириш бўйича кенг миқёсда ишлар бошланди. Акциядорлик ва кўшма корхоналар фаолият қўрашмоқда, соҳани, ундаги бошқариш ва йўналтириш таркибини қайта ташкил этишнинг кўпгина муаммолари ўз ечимини топмоқда.

Алоқа вазирлиги давлат бошқаруви органи сифатида, табиийки, ўзининг бу функцияларини йўқота бошлади, чўнки бозор муносабатларига ўтиш шароитида юқоридати туровчи соҳа ташкилотларида ўз диққатини нафақат кўпгина замонавий, янги масалалар ва муаммолар ечимига, балки бутунлай янги иш услуби ва воситаларига қаратиш талаб қилинади. Ўзбекистон Алоқа вазирлиги ташкил топган 1954 йилдан бўён соҳанинг бош штаби вазифасини бажариб келди ва ҳўқуқий эътироф этиш керакки, алоқа ҳўжалигини ривожлантириш, алоқа хизматида бўлган талабларни қондириш бўйича кўп ишлар қилинди. Кейинги йилларда Вазирлик

телекоммуникацияни техника жиҳатдан тўдан қайта жиҳозлаш, бошқарув таркибини қайта ташкил қилиш бўйича кўпгина гоьлар ва лойиҳаларнинг ташаббускори ва ижроси бўлди. Бироқ, янги шароитда маъмурий буйруқ-бозлик услубларидан давр талабларига жавоб бера олмаган ёндошувлар, услублар, муаммолар ечимига ўтиш керак бўлади. Ҳозирда алоқа корхоналари айнан шу йўлга ўтмоқда.



Ҳўкумат қарори билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг бош директори вазифасига тайинланган А. Ҳ. Жўрабоев Алоқа вазирлиги ўрнида ташкил топган янги агентликнинг ташкилий жиҳатлари ва фаолият хўсусийлари ҳақида атрафлича тушунириш берди:

— Мазкур қайта тузилиш борди кўзда тутилган мақсад, — деди Абдувоҳид Ҳошимович, — Президент Фармонида кўриниб турибдики, «почта алоқаси ахборот тизимлари ва телекоммуникацияни бошқариш янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва мазкур соҳага хорижий сармояларни жалб қилиш жараёнларини чўқурлаштириш»дан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президент Фармони ижроси эдиш ва ривожлантириш мақсадида агентлик фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича 1997 йилнинг 31 июлида 380-сонли қарорини қабул қилди.

Агентлик ҳўқуқ ва мажбуриятларига кўра Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг меросхўри бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашлидир. Агентлик таркиби тасдиқланди, «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком», «Ўзбекистон почтаси» акционерлик компанияларининг таркиби белгиланди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги зиммасига юклатилган асосий вазифалар:

— маҳаллий, шаҳарлараро,

халқаро телефон, телеграф ва почта алоқаси, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телекўрсатув тармоқларини яратиш, ишга тушириш ва хизмат қўраш ш бўрасидаги сиеьсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунда мазкур хизмат турларига бўлган талабларни тўла қондиришни мақсад қилиб олиш;

— почта алоқаси ва телекоммуникация соҳасидаги фаолиятини йўналтириш ва бошқаришни такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва мониторингини ташкил этиш, бозор ислохотларини чўқурлаштириш, мазкур соҳада рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш;

— телекоммуникация тизимлари ва технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хорижий сармояларни жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

— телекоммуникация технологияларини яратиш, тadbик қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ягона шарт-шароит ва талабларни қарор топтириш, шунингдек, кўрсатилган шарт-шароит ва талабларга риоя қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;

— миҳозлар ҳўқуқларини химоя қилиш чораларини кўриш, миллий телекоммуникация тармоғини, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот тармоғидан факулда вазият шароитида мамлакатимиз манфаатлари йўлида имтиёзли равишда фойдаланиш.

Агентлик почта тўловлари белгиларини муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш ҳўқуқига беистисно тарзда эгадир.

Агентликнинг вазифаларини кўйилдиғиларни таъкидлаб кўрсатиш мумкин: ахборот тизими, технологияси ва хизматини ривожлантириш дастурлари, гоьлар ва мўлжалларининг кенг қамровли лойиҳаларини ишлаб чиқиш; бозор иқтисодиёти шароитида ахборот тизимлари корхоналари ва иншоотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хўсусийлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; ахборот тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича маркетинг, мониторинг тадқиқотлари, метёрий ҳўжатлар ва тавсиялар, тармоқ стандартлари ва техник шарт-шароитларини ишлаб чиқиш, радио-частоталарини давлат миқёсида йўналтириш ва бошқариш принципларини қарор топтириш; сертификация, лицензия бериш, чет эл сармояларини жалб этиш сиеьсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар, тариф сиеьсати, нарх-наво принципларини белгилаш ва бошқалар.

Агентлик халқаро ташкилотлар — Халқаро электралоқа иттифоқи, Жаҳон почта итти-

фоқида мамлакат номидан иш кўради. Шу ерда таъкидлаб ўтиш керакки, бу вазифаларнинг барчаси алоқа ишлаб чиқариши ва хизматини ташкил этиш бўрасидаги фундаментал илмий тадқиқотлар асосида бажарилиши керак бўлади, соҳанинг истиқболли фундаментал илмий тадқиқотлар, теран таҳлил ва асосли хўлосаларга таянган ҳолда таъминланади.

Кўриниб турибдики, агентликнинг вазифалари ва функциялари Алоқа вазирлиги зиммасига юкланган вазифалар ва функциялардан кескин фарқ қилади. Жўмладан, у ҳўжалик ишлари билан амалда шугулланмайди — энди улар компаниялар, корхоналар зиммасида. Бошқарув функцияси ниҳоятда чекланган, аммо йўналтириш, тadbик қилиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, тавсиялар ишлаб чиқиш функциялари етакчилик қилади.

— Абдувоҳид Ҳошимович, ҳозир соҳадаги янги бошқарув органларининг таркибий тузилиши қандай?

— Агентлик таркибига Давлат алоқа Назорати, юқоридати айтилган учта акционерлик компанияси, радиочастоталар бўйича давлат комиссияси, илмий тadbикотлар ва маркетинг тadbикотлари маркази, Тошкент электротехника Алоқа институти ва Тошкент Алоқа коллежи, бошқа айрим ташкилотлар киради. Айтиш керакки, агентлик аппаратининг таркибидати ҳам янгиликлар кўп. Хўсусан, ахборот технологияси ва хизмати бўлими, бозор муносабатлари ва қимматли қоғозлар бўлими тузилди, маркетинг тadbикотлари ва тарифлар, иқтисодиёт таҳлил ва истиқболли белгилаш, халқаро муносабатлар бўлимлари, адлия-ҳўқуқ бўлими бор. Лекин энди аввалгидай «электралоқа», «радио ва телевидение», «капитал қурилиш» бўлимлари йўқ, чўнки мазкур функциялар энди янги тузиладиган компаниялар зиммасидадир. Энди агентлик мутахассислари ҳўжалик, ишлаб чиқариш технологияси масалалари билан шугулланмайди, улар ўз лаёқатларини ижодкорлик, ташаббус, тadbикот, таҳлил, истиқболли белгилаш, соҳани ривожлантириш ва модернизациялаш, бозор муносабатларини қарор топтиришга бағишлайдилар. Улар ишида меъёрий ҳўжатлар тайёрлаш, маркетинг тadbикотлари, бошқа мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, тегишли тавсиялар, тақлифлар, таҳлилларни ишлаб чиқиш масалалари катта ўрин тутади.

— Янги тузилаётган «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акционерлик компаниялари, «Ўзбекистон почтаси» давлат-акционерлик компанияси зиммасига катта вазифалар юкланган. Улар олдида турган улкан вазифаларини қисқача шарҳлаб берсангиз.

— Бу компанияларнинг асосий вазифаларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин: маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро электралоқа, радиоалоқа, радиоэшиттириш, телекўрсатув, почта алоқа хизмати бозорини талабларини қондириш. Бунда алоқа хизмати номенклатурасини кенгайтириш, уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш бўйича фаол иш олиб бориш назарда тутилди. Воситалар ва тармоқларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, хорижий сармояларни жалб қилиш, кўшма корхоналар тузиш, жаҳон ютуқларини ўзлаштириш, республика ахборот тизимини жаҳон телекоммуникация ва ахборот тармоғига интеграция қилиш — булар ҳам компанияларнинг асосий вазифаларидир.

«Маҳаллий телеком»нинг фаолият доираси маҳаллий телекоммуникация тармоқлари, «Халқаро телеком» — шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, «Ўзбекистон почтаси» эса, табиийки, почта алоқаси масалалари билан шугулланади.

— Абдувоҳид Ҳошимович, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги қошида почта ва телекоммуникация ривожланиш бўрасида қўлаб-қувватлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма тузилган. Унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини аниқлаштириб берсангиз.

— Аввало, Республикаимиз Президенти мазкур жамғармани тузиш ҳақида қарор қилиб доно йўл тутди деб ўйлайман. Жамғарма почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва қайта лойиҳалаш бўрасида, айниқса, кишлоқ жойларига мўлжалланган қимматли ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ҳамда илмий-техник ишланмаларни, мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни маблаг билан таъминлашда иштирок этиш; Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги аппарати фаолиятини, шунингдек, унинг тизимидаги мустақил даромад манбага эга бўлмаган телекоммуникация тизимини йўналтириш, бошқариш ва назорат қилиш давлат органларини маблаг билан таъминлашга қаратилгандир.

Белгилаб қўйилдики, жамғармани шакллантиришнинг асосий манбаи Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимидаги кирувчи корхоналарни хўсусийлаштиришдан тушган маблагнинг 40 фоизини четгириш, шунингдек, акционерлик жамиятлари ва кўшма корхоналардаги давлатга тегишли акция пакетлари (ҳиссалари) бўйича дивидендларнинг 25 фоизи ҳисобланади.

— Алоқа хизмати иқтисомолчиари хизмат қўради (Давоми 4-бетда.)

## УЛКАН ВАЗИФАЛАР

(Боши 3-бетда)

сатиш қондаларининг, айтиш мумкин, қонунлаштирувчи Алоқа вазири бўлганига ўрнаб қолишган. Бўйи энди қандай бўлади?

— Назарда тутиш муҳими, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ўз ҳуқуқлари доирасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда эълон қилган метёрий ҳужжатлари телекоммуникация ва почта алоқаси хизматини кўрсатаётган ёхуд ундан фойдаланаётган, шунингдек, телекоммуникация ва почта тизимлари ва иншоотларини лойihalаштириш ҳамда қуришни амалга ошираётган барча ахливи ва жисмоний шахслар учун, мулкчилик шаклидан қатъий назар, мажбурий равишда риоя қилинадиган ҳужжатлардир.

Ҳозирги вақтда қабул қилинган ҳужжатларни амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Агентлик аппарати шакллантирилмоқда, акционерлик компаниялари бўйича ҳужжатлар туркуми ишлаб чи-

қилмоқда, мутахассис кадрлар танланмоқда, ишнинг устивор йўналишлари белгиланмоқда.

Ахборот тизимлари соҳасида бошқарувни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича қурилган чоралар, почта алоқаси ва телекоммуникация воситаларини бошқариш таркибини қайта ташкил этиш борасидаги ишлар, шубҳасиз, ўз вақтида қилинган ишлардир ва улар алоқачи бўйича барча турлари бўйича аҳолига ҳамда халқ хўжалигига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, бозор муносабатларини ривожлантириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, алоқа соҳасига хорижий сармояларни жалб қилиш ишида катта ижобий натижаларни беради. Бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга, Ўзбекистон халқининг фаровонлигини оширишга ҳисса бўлиб қўшилади.

**А. КУДИНОВ**  
сўхбатлашди

Телекоммуникация қурилмаларини ишлаб чиқарувчи жаҳондаги энг йirik фирмалардан бири «Алкател» бўлиб, унинг штаб-квартираси Парижда жойлашган. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига шаҳар телефон тармоқлари, муассаса АТСлари учун қурилмалар, телефон кабеллари, рақамли коммутация тизимлари ва радиорелели алоқа линиялари, бошқа хилма-хил замонавий алоқа техникаларини етказиб бериб, сервис хизмати кўрсатувчи бу фирма ўзининг кенг миқёсдаги фаолияти билан машҳур. Энг замонавий телекоммуникация қурилмалари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва ишга тушириш ўзининг аниқлиги, истиқболлиги, алоқа техникаси ва технологияси бўйича жаҳон бозориде рақобатбардошлиги билан алоҳида аҳралиб туради. Ўз фаолият майдонини мамлакатлар ва минтакалар ҳисобига муттасил кенгайтира бориш, хизмат кўрсатишининг янги услубларини кенг тарқатиш, иш самарадорлигини ошира бориш бу афзалликларга уйғунлашиб кетади.

«Алкател» мустақил Ўзбекистонда 1993 йилнинг бошларида янги рақамли техникани жорий этиш билан телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш бўйича амалий фаолиятга киришган дастлабки хорижий фирмалардан биридир. Шу билан бирга «Алкател» фирмаси буюртмалар ва Ўзбекис-

ли АТС мажмуи ва кўп каналлик халқаро автоматик телефон станцияси чинакамига қувончи воқеа бўлди. Фақатгина вилоят маркази эмас, Наманган вилоятдаги барча туманлар ҳам янги халқаро алоқа тизимига уланди.

Ниҳоят, пойтахтимиз Тошкентдаги энг «огир», давлат миқёсидаги кўпгина муассасалар-

нинг рақамли янги йirik иншоотлар — 125, 173, 152-АТСлар ишга туширилди. Фирманин Ўзбекистондаги қизиқишлари доирасига фақат алоқа тизимидаги корхоналар эмас, бошқа соҳалар ҳам кирди. Жумладан, «Алкател» фирмаси Тошкент аэропортида жорий этган навигация техникаси самолётлар парвозига ҳақон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Кўндирш тизими, масофа ўлчови, метеорология хизмати парвозларнинг хавфсизлиги ва мунтазамлигига самарали таъсир кўрсатмоқда.

1994 йилда ташкил топган «Alcatel Business Systems Ўзбекистон» ҳосила фирмаси «Алкател 4000» русумидаги муассасавий станцияларни ишга туширишда муваффақиятли иш олиб бормоқда, у тузган юздан ортқ шартномалар мазкур фаолият соҳасини янада ривожлантириш имконини бермоқда.

## «АЛКАТЕЛ» ОДИМЛАРИ

тон билан тузилган шартномалар асосида жами 78 минг абонентга мўлжалланган рақамли станцияларни қисқа муддатларда қуриб бериш мажбуриятини олди. Дастлабки иншоот — марказий 36-АТС анча мураккаб эди. У 1995 йил май ойида ишга туширилди ва Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган ГФР Ташки ишлар вазири жаноб доктор Клаус Кинкель Бонндаги ўз ҳаммаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазири жаноб Эдуард Шпрангерга биринчи бўлиб сым қўқди. Бу Тошкентдаги дастлабки рақамли АТС эди! Пойтахт телефон тармоғини модернизациялаш «баҳорининг» биринчи қалдирғочи» эди бу! Унинг қулайлигидан фойдаланган минглаб жиҳозлар янги алоқа техникасининг юксак фазилатларини тезда илға олдилар. Навбатдагиси яна-да мураккаб 44-АТС бўлиб, у боғловчи, жуда тирбанд станция эди, унинг негизда шаҳарлараро ва халқаро алоқанинг бакуват боғламаси ишланмоқда эди. Бу ерда ҳам «Алкател» мутахассислари шаҳар телефон тармоғи муҳандислари билан бирга 10 минг 200 рақамга мўлжалланган 1000 S-12 русумдаги янги рақамли АТСни ишга туширдилар.

Наманган шаҳридаги кўп минг сонли мижозлар учун «Алкател» иштирокида қуриб ишга туширилган 11 минг линиялик маҳаллий рақам-

га хизмат кўрсатадиган 33-АТС қисқа муддатда «Алкател»нинг рақамли қурилмаларига ўтказилди.

1996 йилни «Алкател» фирмаси Ўзбекистонда яна бир муҳим воқеа билан қутиб олди: Амир Темури туғилган куннинг 660 йиллиги халқаро миқёсда байрам қилинаётганда соҳибқироннинг ватани Шахрисабзда 10 минг рақамга мўлжалланган янги рақамли АТС ишга туширилди. Бу эса амалда барча оилаларни телефонлаштириш учун етарлидир. Тошкент шаҳар телефон тармоғида станцияларро алоқа каналларини кўпайтириш мақсадида фирма 11 та станция учун радиорелели алоқа қурилмаларини етказиб берди. «Алкател»нинг Ўзбекистондаги фаолият доираси фақат қурилмаларни етказиб бериш ва алоқа иншоотлари қурилишида қатнашиш билан чекланмади, албатта. «Алкател» бошқа бир германиялик компания — «Детелайн» билан бирга Тошкент вилоятининг саноат шаҳри Чирчиқда қўшма корхона яратишда қатнашмоқда ва мазкур шаҳардаги телефон тармоғини техник жиҳатдан тўла равишда қайта жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқишни ташкил қилмоқда. 1997 йилнинг охирида бу ерда 20 минг рақамли янги АТС мажмуи ва шиша-толлал кабел ҳамда жадал узатиш тизими қўлланиладиган линия хўжалиги ишга туширилади.

Жорий йилда Тошкентда «Алкател» иштирокида жами 30

Кейинги йилларда Ўзбекистонда GSM андқасидаги бир неча уяли радиотелефон алоқаси корхоналарининг иш бошлаши муносабати билан фирма фаолиятининг янги қирралари намоеён бўлмоқда. «Коском» ўзбек-америка қўшма корхонасининг буюртмасига биноан Самарқанд ва Тошкентда қўшма алоқа хизматини муваффақиятли равишда кўрсатаётган марказий станция ва саккиз асосий станциялар учун коммутация қурилмалари ва узатиш тизимлари етказиб берилди. Бошқа бир уяли алоқа корхонаси — Индонезиянинг «Бузел» (Бахри Ўзбекистон Телеком) фирмаси Тошкентдаги ўзининг марказий ва 17 та асосий станцияларида «Алкател» қурилмаларидан фойдаланмоқда.

Ўзбекистонда «Алкател» фирмаси ҳамкорлигининг муваффақиятли ривожланишида мамлакатимиздаги барқарор вазият, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бора-сидаги оқилона сиёсат, хорижий сармоядорлар учун яратилган тегишли ҳуқуқий асос ва қулай шарт-шароит каби кўпгина омилларнинг ҳиссаси каттадир. Барча амалга оширилган ва амалга оширилажак ишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши ва мустақамланиши, аҳолига замонавий алоқа хизмати кўрсатиш даражасини юксалтиришга йўналтирилгандир.

**А. ДАРВЕШОВ**



Жиззах шаҳридаги 3-АТСда ўз касбинга жони-дилдан севган алоқачилар кўплаб топилди. Венера ЗАРИПОВА ана шундай телефончилардан биридир.

Сиз суратда Венера Зариповани иш жараёнида кўриб турибсиз. Катта телефончи Рита ЗАРИПОВА (тик турган) ўз ходимининг ишини кузатмоқда.

Сураткэш **Б. ТОШМАТОВ**

## МИТТИ РАДИОТЕЛЕФОНЛАР

Siemens фирмаси ДЕСТ стандартидаги қўшма телефонларнинг икки турини ишлаб чиқара бошлади. Истеъмол бозориде кенг тарқалган Gigaset русумидаги одатдаги радиотелефоннинг оғирлиги бор йўғи 180 гр. бўлиб, ҳажми 175x55x28 мм.ди. Ўн олти қаторли рақамли дисплей ҳар хил ахборотларни, масалан, кўнгирик қилаётган одамнинг телефон рақамини аниқлаб бериши мумкин. Камарда осиб юриш учун аппарат махсус қисқичлар билан жиҳозланган. Бармоқ шаклидаги иккита аккумулятор радиотелефонни 50 соат давомиде навбатчи режимида, ишчи

режимида эса 7 соат ишлашини кафолатлайди.

Бу борада янада қулайлик яратиш мақсадида Siemens фирмаси ўз дастурига Gigaset 1000С деб номланувчи радиотелефонлар ишлаб чиқаришни киритди. Мазкур радиотелефоннинг ҳажми аввалгисидек бўлгани ҳолда оғирлиги 5 гр.гагина ортди, лекин конференц алоқа ўтказиш, иккита абонент билан галма-гал сўзлашиш, таблоларни ёритиш имконини ҳам беради. Сўзлашув вақтида абонентлар радиотелефон комплектида оғирлиги 21 гр. бўлган микротелефондан фойдаланишлари мумкин.

## ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕШҚАДАМИ

Биринчи стерелкали телеграф аппарати, динамо машина, электровоз, ёруғлик берадиган қисми металлдан ишланган электролампа, ультратовушли эзокардиограф, ташкилотлар учун кенг қамровли алоқа тизими... Бу рўйхат 150 йилдан буён фаолият кўрсатиб келётган «Сименс» немис концерни ишторлари ва маҳсулотларининг бир қисми, холос.

1847 йили ташкил этилган «Сименс» ўз дастурида телекоммуникация воситалари ишлаб чиқаришни асосий мақсад қилиб қўйди. Ҳозирги кунда эса бу борада


жаҳонда пешқадамлик қилиб келмоқда. Дунёнинг барча мамлакатларида юқори баҳоланаётган: ташкилотлар учун мўлжалланган Нисом деб номланувчи рақамли АТСлар, бежирим телефонлар, уяли ва идоровий радиотелефонлар, факсимил ва телекс аппаратлари «Сименс» маҳсулотлари ҳисобланади.

Россияда «Сименс»нинг биринчи маҳсулоти Москва—Санкт-Петербург оралида 1849 йили ўрнатилган телеграф аппаратлари бўлди. 1882 йили эса Сименс ва

Гальске рус электротехника заводлари ҳиссадорлик жамиятининг биринчи корхонасини қурди.

Тошкентга «Сименс» маҳсулотлари 1904 йили кириб келди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республикамизнинг замонавий йirik алоқа иншоотлари ҳамда электроника ва автоматиканинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган ускуналарни ўрнатиш билан алоқадор қурилишларда «Сименс» ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда.

«Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник»  
связиста» иловалирига Т.ЛУТФУЛЛАЕВ масъулдир.



# СПУТНИК СВЯЗИСТА

## РЕФОРМЫ ПРОДОЛЖАЮТСЯ

Признано, что Узбекистан в преобразовании экономики и всего уклада жизни страны идет своим эволюционным путем без резких поворотов в политике, что создает объективные условия внутренней стабильности жизни общества.

Политика разумного государственного регулирования ходом экономических реформ дает ощутимые результаты. Известно, что рост валового внутреннего продукта в стране в первом полугодии текущего года составил 103,9 процента, в том числе промышленности 5,4 и сельского хозяйства 22,8 процента.

Акционерное общество «Алокаинвест», как одно из звеньев промышленно-строительного комплекса Республики решает важнейшие задачи по дальнейшему развитию телекоммуникаций.

в ней недостатки и упущения как в производственной, так и в финансово-экономической деятельности.

Правление общества активно и целеустремленно работает над устранением негативных явлений в работе строительного комплекса. На своих заседаниях оно рассматривает важнейшие вопросы, от решения которых зависит деятельность общества в целом.

В первую очередь это относится к формированию прогнозов подрядных работ, заключению договоров поставки материальных ресурсов, финансовому оздоровлению, техническому оснащению производственной базы структурных подразделений и другим.

Свои задачи в целом на 1997 год мы видим в свете направлений осуществления экономических реформ в стране и итогов работы строительного комплекса за восемь месяцев.

Выполнить принятые на 1997 год обязательства по договору подряда по объектам Национальной программы развития и реконструкции телекоммуникационных сетей связи в Республике, и в первую очередь по Узбекскому сегменту ТАЕ-ВОЛС.

Совершенствовать систему взаиморасчетов с заказчиками и поставщиками, удерживая в разумных пределах соотношение дебиторской и кредиторской задолженности, своевременный расчет с бюджетом.

Повысить экономическую эффективность строительного комплекса, поднять низкорентабельные структурные подразделения до уровня этого показателя в целом по обществу.

Добиться оптимальных расходов материальных ресурсов, энергоносителей на единицу объема строительной продукции.

Одним из важнейших направлений в деятельности строительного комплекса считать более активный поиск и реализацию совместных проектов с иными фирмами на базе новейшей техники по строительству объектов связи.

Повысить качество строительного комплекса работ на всех возводимых объектах, положив при этом в основу экономические меры воздействия на нарушителей технологии.

Безусловно выполнить Отраслевое соглашение между АО «Алокаинвест» и ЦК профсоюза работников связи Узбекистана на 1996—1997 годы.

Продолжить наращивание производственного потенциала за счет закупок современного транспорта, строительных машин и механизмов, а также компьютерной техники.

Для выполнения работ с высоким уровнем технологии по прокладке, монтажу и настройке ВОЛС и АТС использовать зарубежный опыт.

**М. Л. СМОЛЕНЦЕВ,**  
помощник председателя  
АО «Алокаинвест».

В завершающей стадии от-расляно ведутся работы Узбекского сегмента Транс-Азиатско-Европейской волоконно-оптической линии связи (ТАЕ-ВОЛС).

Сдан комплекс связи Бухарского нефтеперерабатывающего завода в Караул-Базаре, продолжается сооружение объектов связи в интересах электрификации железной дороги и т. д.

В Акционерном обществе прочно утверждаются отношения реального собственника имущества.

Более двух с половиной лет структурные подразделения общества работают в новом качестве не государственных предприятий. Изменение формы собственности придало коллективам акционеров чувство подлинного хозяина имущества, которое побуждает по новому относиться к труду, к содержанию в рабочем состоянии автотранспорта и механизмов, к затратам на единицу строительной продукции, словом считать каждый тиын. С помощью экономических рычагов совершенствуется организация производства, повышается количество выполняемых строительно-монтажных работ.

Подведенные Обществу итоги первого полугодия, как и в стране в целом, позволяют считать, что 1997 год станет годом реального вхождения в рынок, что придаст новый импульс проводимым экономическим преобразованиям.

В условиях реальных рыночных отношений коллективными строительного комплекса за восемь месяцев 1997 года выполнены объемы подрядных работ по договорам в текущих ценах на 636,5 млн. сумов, что к соответствующему периоду прошлого года составляет 148 процентов.

Вместе с тем надо признать, что из-за недостаточного технического оснащения структурных подразделений строительного комплекса АО «Алокаинвест» и неготовности своих специалистов к сложной технологии монтажа волоконно-оптического кабеля, мы вынуждены привлекать аналогичные строительно-монтажные организации из регионов РФ.

В целях дальнейшего углубления проводимых экономических реформ и во исполнение Указа Президента «Об организации Узбекского агентства почты и телекоммуникаций» создана наряду с другими структурами и Акционерная Ком-

пания «Махаллий Телеком», куда на правах учредителя и вошло наше Акционерное общество «Алокаинвест».

Одновременно с вхождением общества в АК «Махаллий Телеком» по инициативе правительства в АО «Алокаинвест» было произведено перераспределение имущества. Так на 1 сентября 1997 года доля государства в Уставном фонде общества составляет 30 процентов, трудового Коллектива — 26, на свободную продажу — 44 процента, в том числе и для иностранных инвесторов.

Произшедшие изменения структуры уставного фонда обязывают руководство общества более взвешенно, более строго и компетентнее управлять строительным комплексом, имея в виду что значительной частью акций могут владеть иностранные фирмы. Таким образом создано поле реальной конкуренции со всеми вытекающими последствиями рыночных отношений. Правление АО «Алокаинвест» осуществляет хозяйственную деятельность с целью увеличения прибыли на принципах хозяйственного расчета и самофинансирования принимает меры по наращиванию производственного потенциала структурных подразделений за счет фонда развития производства, формируемого из централизованной чистой прибыли.

